

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ЖЎРАЕВ МУЗАФФАРЖОН МАНСУРЖОНОВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО УЗВИЙЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунаар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жўраев Музаффаржон Мансуржонович

Профессионал таълимда фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарликларини ривожлантириш методикаси (“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш мисолида).....

3

Жўраев Музаффаржон Мансуржонович

Методы развития профессиональной подготовки студентов на основе междисциплинарной преемственности в профессиональном образовании (на примере преподавания предмета “Информатика и информационные технологии”)

23

Juraev Muzaffarjon Mansurjonovich

Methods for the development of vocational training of students based on interdisciplinary continuity in vocational education (on the example of teaching the subject “Informatics and Information Technologies”)

45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

50

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ЖЎРАЕВ МУЗАФФАРЖОН МАНСУРЖОНОВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО УЗВИЙЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунаар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped2133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўйсинов Одил Алмуратович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўхтаева Зебо Шарифовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "18" февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (54 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил "4" февраль куни тарқатилди.
(2022 йил "4" февральдаги 21 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.б., п.ф.д., академик

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

К.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда профессионал таълим тизимидаги ўзгаришлар, бўлажак мутахассисларнинг малака даражаси, касбий тайёргарлигига қўйиладиган малака талабларини такомиллаштириш орқали фанларни ўқитишда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши, хусусан “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро алоқадорлик орқали ўқитиш асосида таълим сифатини оширишни тақозо этмоқда. Европа мамлакатларидаги Queen Ethelburga’s College, Schule Schloss Salem, College Du Lemан каби энг яхши касбий мактаб ва коллежларда ўқувчилар интегротив дастурлар ва фанлараро узвийлик тамойиллари асосида касбга тайёрланмоқда. Бошланғич, ўрта ва ўрта-махсус профессионал таълим мазмуни ва дастурларини сифат жиҳатдан янгилаб, касб-хунар мактаблари ва коллежларда фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳалқаро тажрибаларда профессионал таълим сифатини ошириш муаммоси таълим мазмунини такомиллаштириш, таълим жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш билан чамбарчас ва узвий боғлиқдир. Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги мазмунини такомиллаштириш муаммосини ҳал этишда узвийлик нуктаи назаридан янгича ёндашувларни қўллаш, мазмунан бир-бирига якин ўқув фанларининг интеграциялаш, фанларни ўқитишнинг мантиқий тизимини шакллантириш, касбий тайёрлашнинг умумий тизимида изчилликни таъминлаш, фанлараро узвийлик ва алоқадорлик принципларидан фойдаланиш, ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги мазмунини фанлараро узвийлик асосида такомиллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва имкониятларини белгилаш зарур.

Профессионал таълимни такомиллаштиришда таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги мазмунини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири информатика ва ахборот технологияларини жорий этишдир. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш¹ масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳал этишда касб-хунар мактаблари ва коллежлари ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фани умумтаълим, умумтехник ва умумкасбий фанлари билан фанлараро узвийликда ўқитиш муҳим ўрин тутди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони. www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”²ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунаар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишни ривожлантириш концепциясида ва мазкур соҳага тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Профессional таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанини фанлараро узвийликда ўрганишнинг аҳамияти шундан иборатки, биринчидан, умумқасбий фанларни ўқитиш сифатини оширишга, ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини фаоллашишига, иккинчидан, уларнинг касбий дунёқарашининг ривожланишига, учинчидан, шахснинг шаклланишига имкон яратади.

Мамлакатимиз олимлари Б.С.Абдуллаева, С.Т.Алиқулов, М.У.Баратов, Б.М.Мирзахмедов, Ш.И.Мамаражабов, Э.А.Турдиқулов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари умумтаълим мактаблари ва касб-хунаар коллежларида фанлараро алоқадорлик ва узвийлик асосида ўқитиш муаммоларига бағишланган.

Профессional таълимда ўқитиш ва бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатини ошириш, фанлараро узвийлик масалаларини Ш.Э.Қурбанов, А.Р.Ходжабаев, З.К. Исмаилова, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Д.О.Ҳимматалиев, О.А.Қўйсинов, З.Ш.Тўхтаева, О.Х.Тўрақулов, А.А.Хасанов, Ф.Р.Валиева ва бошқа олимлар ўрганишган. Таълимни ахборотлаштириш, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш муаммолари, информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштириш

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами –Т.: 2017. –Б.39

масалаларини А.Абдукодиров, Ҳ.Ш.Қодиров, Ж.А.Ҳамидов, У.Бегимқулов, О.Тўрақулов, Ф.Зокирова, Д.Н.Маматов, Ж.У.Ҳакимовларнинг илмий тадқиқот ишларида очиб берилган.

Мустақил давлатлар ҳам дўстлиги мамлакатлари олимларидан Ю.К. Бабанский, Н.С. Власова, М.В.Едренкина, И.И. Кузнецов, О.Б. Зайцева ва бошқаларнинг ишларида профессионал таълим жараёнида ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш муаммоси кўриб ўтилган.

Хорижий мамлакат олимлари W.N.Chambers, E.L.Cowen, U.Mangal, E.Johnson, J.M.Spector, J.Locard, F.Raymond, M.Rosenberg, D.Kegan, G.Kulanthavel, J.Stiehl, J.DeRuiter, J.Gilbert, S.M.Wilson, S.Merriam, J.Fernandez-Balvoa, P.Ertmer, F.Cochran ва бошқаларнинг ишларида мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида информатика ва ахборот технологияларини ўқитишга, фанлараро алоқадорлик ва узвийлик муаммоларига турлича ёндашувлар акс этган.

Бироқ мазкур тадқиқотларда профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро узвийлик асосида ўқитишда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш муаммоси етарлича ўрганилмаган. Бу эса профессионал таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш, унинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш зарурати, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро узвийликда ўқитиш мазмуни ва ўқув дастурини замон талаблари даражасида такомиллаштириш муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Қўқон давлат педагогика институтининг 2017-2021 йилларга режалаштирилган илмий-тадқиқот фаолияти иш режасини “Инновацияларни информатикани ўқитиш таълим тизимига жорий этишнинг муаммо ва ечимлари” устувор йўналиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган ИТД-1-148 “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессионал таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

профессионал таълим жараёнида ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг мазмуни мотивацион, когнитив, интегратив ёндашувлар ҳамда фанлараро узвийлик шакллари (мавзулар, боблар, бўлимлар, фанлараро мажмуавий) жорий этиш орқали узлуксизлик, тизимлилик, инновационлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш;

профессional таълим муассасалари ўқувчиларининг ахборот-коммуникацион, лойиҳалаш, конструкциялаш каби махсус касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти, таълимнинг интерфаол технологиялари (“Case study”, “Blended learning”, “Classic couple strategy”) ни интегратив қўллаш механизмларини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг мутахассисликка хос касбий сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берувчи интегратив ўқув-услугий материаллар, касбий тайёргарлик даражаларини аниқлаш механизми миқдор ва сифат аспектларида мезонли индикаторлар (мотивацион-адаптив, когнитив-ўйналтирилган, интегратив-креатив) асосида оптималлаштириш;

узлуксизлик ва фанлараро узвийликни таъминлаш орқали касб-хунар мактаби ва коллеж ўқувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг методик тизимига асосланган ташкилий-тузилмавий модел – узлуксизлик, тизимлилик, инновационлик тамойилларига устуворлик бериш ҳамда ўқув жараёнига “Case study”, “Blended learning”, “Classic couple strategy” методларини қўллаш асосида такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти фанлараро узвийлик асосида касб-хунар мактаблари ва коллеж ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети профессионал таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш орқали касб-хунар мактаблари ва коллеж ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун психологик, педагогик ва методик манбалар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим жараёнида ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг мазмуни мотивацион, когнитив, интегратив ёндашувлар ҳамда фанлараро узвийлик шакллари (мавзулар, боблар, бўлимлар, фанлараро мажмуавий) жорий этиш орқали узлуксизлик, тизимлилик, инновационлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ахборот-коммуникацион, лойиҳалаш, конструкциялаш каби махсус касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти, таълимнинг интерфаол технологиялари (“Case study”, “Blended learning”, “Classic couple strategy”)ни интегратив қўллаш механизмлари такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг мутахассисликка хос касбий сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берувчи интегратив ўқув-услугий материаллар, касбий тайёргарлик даражаларини аниқлаш механизми миқдор ва сифат аспектида мезонли индикаторлар (мотивацион-адаптив, когнетив-йўналтирилган, интегратив-креатив) асосида оптималлаштирилган;

узлуксизлик ва фанлараро узвийликни таъминлаш орқали касб-ҳунар мактаби ва коллеж ўқувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг методик тизими асосланган ташкилий-тузилмавий модел – узлуксизлик, тизимлилик, инновационлик тамойилларига устуворлик бериш ҳамда ўқув жараёнига “Case study”, “Blended learning”, “Classic couple strategy” методларини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фанлараро узвийлик асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув қўлланма ва электрон дастурий таъминот яратилган, жумладан, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг “Электрон жадваллар” бўлимини ўқитишда “Microsoft Excel 2016” дастури функцияларидан фойдаланиш бўйича виртуал стенд” номли дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси №DGU 09802// 25.11.2020).

профессional таълим жараёни босқичларида фанлараро узвийликни таъминлаш мақсадида “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Бизнес асослари”, “Касбий фаолиятда АТ” ўқув фанлари дастури интегратив ва компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштирилган ҳамда ушбу дастурлар мазмунини ўзида акс эттирувчи масофавий таълим платформаси ишлаб чиқилган (<http://moodle.kspi.uz>);

профессional таълим жараёнида узлуксизлик ва фанлараро узвийликни таъминлаш орқали касб-ҳунар мактаби ва коллеж ўқувчиларининг касбий тайёргарликларини ривожлантиришнинг концептуал методик тизими моделига асосланган ташкилий-тузилмавий модели ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

профессional таълим босқичларида фанлараро узвийликда ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари, касбий тайёргарлигининг ривожланганлиги даражасининг аниқлаш имконини берувчи баҳолаш мезонлари (мотивацион-адаптив, когнетив-йўналтирилган, интегратив-креатив) таълим мазмунига мос ҳолда модификацияланган;

профессional таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида битирувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан креатив даражада фойдаланиш, ҳаётий муаммоларни замонавий АКТ воситасида лойиҳалаш, моделлаштириш, алгоритмлаш, дастурлаш ва бошқаришни ўзлаштиришга қаратилган машқлар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов

ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” ва “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” ўқув фанларини умумкасбий фанлар билан узвийликда ўқитиш тизими, касб-хунар мактаби ва коллеж ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш модели, педагогик дастурий воситалар ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланилди. Улардан профессионал таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқувчилар касбий тайёргарлигининг назарий-методологик ва амалий-методик асосларини бойитишда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти профессионал таълим йўналишларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва дастурларини тайёрлаш, касб таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, ноанъанавий машғулотларни ташкил этиш, ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро узвийликда ўқитиш жараёнида такомиллаштирилган ўқув-дидактик таъминотдан мақсадга мувофиқ ҳолда унумли фойдаланганлиги билан белгиланади. Фанларни фанлараро узвийликда ўқитиш ўқувчиларнинг касбга қизиқишни ва таълим самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг информатика ва ахборот технологияларига оид билимларини чуқурлаштириш, касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини умумкасбий фанлар билан фанлараро узвийликда ўқитиш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш моделини жорий этиш бўйича олинган тадқиқотлар натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳда аъзо сифатида фаол иштирок этилган, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертациянинг биринчи илмий янгилигидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 29 октябрдаги 03-950-сон маълумотномаси). Натижада “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ҳар бир таълим тури учун концепсия ва алоҳида ўқув дастурларини

тайёрлашда хизмат қилган;

профессional таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёни модели ва ахборот-коммуникацион, лойиҳалаш, конструкциялаш каби зарурий касбий компетенцияларини шакллантиришнинг ўқув-методик таъминоти ўқитишнинг интерфаол технологиялари (“Case study”, “Blended learning”, “Classic couple strategy”)ни интегратив қўллаш орқали такомиллаштирилган ва таълим жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 09802-сон гувоҳномаси). Натижада мазкур методик таъминот ва натижалар глобаллашув шароитида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали амалга оширишга хизмат қилган;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғига асосан, меъёрий ва услубий ҳужжатлар, замонавий ўқув адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига жорий этиш билан боғлиқ вазибаларни амалга ошириш мақсадида “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанининг фанлараро узвийлик асосида такомиллаштирилган ўқув дастури, “Multimediali interaktiv ma’ruzalarni yaratish texnologiyasi prezi.com saytida online taqdimotlar yaratish metodikasi” номли ўқув-методик қўлланма, амалий тест топшириқлари, ўқувчиларнинг мутахассисликка хос сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берувчи интегратив ўқув-услубий материаллар, касбий тайёргарлик даражаларини аниқлаш механизмлари Сирдарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги профессионал таълим муассасаларида жорий этилиб, тажриба-синовдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 29 октябрдаги 03-950-сон маълумотномаси). Натижада касб-ҳунар мактаблари ва коллеж ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги оширишга ва сифатини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 10 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 6 та Республика ва 3 та Хорижий журналларда чоп этилган, 1 та методик қўлланма нашр қилинган ҳамда Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 117 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Профессионал таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарликларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, замонавий таълим тизимида фанлараро узвийликни таъминлаш муаммоси ҳолати, фанлараро узвийликни таъминлаш орқали касбий тайёргарликни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, шарт-шароитлари, дидактик имкониятлари, хорижий мамлакатларда фанлараро узвийликни таъминлаш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш тажрибаси ёритилган.

Хорижий мамлакатлар ва Республикамиз олимлари томонидан профессионал таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда умумкасбий фанлар билан фанлараро узвийликни таъминлаш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланиб, дидактик имкониятлари ва концептуал методик тизими, фанлараро узвийликнинг моҳияти, назарияси ва амалиёти, асосий функциялари ва тамойилларини такомиллаштириш муаммолари ўрганилди.

Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатларда информатика фани умумий таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Хусусан, Жанубий Корея информатика фанини ўқитишнинг замонавий анъаналарига эга бўлиб, мамлакат таълим муассасаларида қуйидаги ўқув дастурлари қўлланилади: “Компьютер ва касблар дунёси”, “Компьютер воситасида касбий ривожланиш”, “Ахборот жамиятини тушуниш”, “Ривожлантириш технологиялари ва мартаба”, “Информатика ва карьера”, “Ахборот технологиялар ва турли касблар”. Ушбу ўқув дастурларида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларидаги узвийлик ва алоқадорликка эътибор қаратилган. Айниқса, Жанубий Корея таълим тизимида фанлараро узвийликда қўлланилаётган ҳамда Cambridge International General Certificate of Secondary Education (Cambridge IGCSE) ўқув дастурлари дунёнинг етакчи университетлари ва иш берувчилари томонидан энг яхши ўқув дастурлар сифатида эътироф этилган.

Тадқиқот жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанини умумкасбий фанлари билан фанлараро узвийлик асосида ўқитишда

Cambridge International General Certificate of Secondary Education Computer Science ўқув дасурлари имониятларидан фойдаланилди. Бу ўқув дастурлар ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган мавзулар таркиби, ажратилган дарс соатлари миқдори, ўзлаштириш натижаларини баҳолаш мақсадлари ва баҳолаш тафсилотларини қиёсий таҳлил қилиш имконини берди.

Педагогик адабиётларда узвийлик – ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштирмақ, яхлит ҳолга келтирмақ деган маънони англатади. Тадқиқотлар давомида ўқув жараёнида самарадорликка эришиш учун узвийликнинг турли кўринишларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланди.

Профессional таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанини ўқитишда фанлараро узвийликни таъминлаш имкониятларининг асосий жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Professional таълим жараёнида узвийликни таъминлаш тамойилларига асосланиб, ўқув фанлари дастурларини такомиллаштиришда касбий малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларининг ўзаро узвийлигини аниқлашнинг илмий асосланган мезонлари, таълим беришнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга оид талаблар, фанлараро ҳамда мавзулараро узвийликни таъминлаш механизми эътиборга олинди.

2. Фанлараро узвийликка асосланган ўқув материалларини яратиш орқали таълим жараёнини такомиллаштириш умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик фанлари мазмунидан фойдаланиш ҳамда мавзулараро узвийликдаги ўхшаш услуб ва воситаларни қўллаган ҳолда, таълим самарадорлигини ошириш, назарий ва амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти орасидаги узвийликни таъминлашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, таълим оловчиларнинг ўқув фанларини ўзаро алоқадорлик ва изчиллик асосида қизиқиш билан ўзлаштириши имконияти таъминланди.

Professional таълим жараёнида ўқув фанларининг узвийлиги амалга ошириш имкониятлари катта бўлиб, у интегратив таълимни ташкил этишнинг узвийлик, тизимлилик, фанлараро алоқадорлик, кетма-кетлик ва инновацион тамойиллари асосида таъминланди. Ушбу тамойиллар асосида фан дастурлари такомиллаштирилиб, янги мазмундаги ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар яратилди. Натижада фанларнинг ички (мавзулараро) ва ташқи (фанлараро) узвийлик таъминланиб, таълим мазмунида яхлитлик, сифат ва ижодий ёндашув юзага келади.

Диссертациянинг **“Профессional таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқув дастурининг фанлараро узвийлигини таъминлаш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида, professional таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ўқув дастурлари фанлараро узвийлигини таъминлашнинг методик асослари тавсифи, “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанини умумкасбий фанлар билан фанлараро узвийликда ўқитиш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш модели ва уни жорий этиш методикаси, мазмуни ва услубий асослари, фан дастурларини фанлараро

узвийликда такомиллаштириш масалалари баён этилган.

Педагогик изланишлар шуни кўрсатдики, профессионал таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш сифати кўп жиҳатдан замонавий фанлар, хусусан, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” ўқув фанларини фанлараро узвийликда самарали ўқитишга боғлиқ. Фанни пухта ўрганиш ишлаб чиқаришдаги турли вазиятларда ностандарт қарорлар қабул қилиш, амалиёт масалаларини ечиш, ўзлаштирилган назарий-амалий билимлар асосида ишлаб чиқариш муаммоларини тезкорлик билан ҳал қилишга замин яратади.

Педагогик кузатишлар асосида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда фанлараро узвийлик асосларига таъсир этувчи қуйидаги омиллар аниқланди: фанлар ривожланишининг объектив қонуниятлари; илм-фан таракқиётини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини белгилаш; давлат таълим стандартлари ва малака талаблари; таълим вазифалари, билимлар синтези; таълим жараёни ва мазмунининг бирлиги; ўқув режа ва дастурларининг бир-бирлари билан узвийлиги ва ўзаро алоқадорлиги; таълим муассасасининг моддий-техник базаси; педагогик ва ахборот технологиялари.

Фанлараро узвийликни таъминлаш дидактик идрокка асосланди. Дастлаб ўқитувчи ўқувчини ўрганилаётган мавзунинг мақсад ва вазифалари, унинг бошқа мавзулар билан алоқаси ва коммуникатив дидактик воситаларнинг самарадорлиги билан таништирди. Ўқув режа ва фан дастурларини мазмунан такомиллаштириш ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, фанларга ажратилган соатлар ҳажмидан мақсадли ва тўғри фойдаланиш, умумий юкламаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш имконини яратди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, фанлараро узвийликка асосланган ўқув материаллари ишлаб чиқилди ва бевосита таълим жараёнида қўлланилди.

Фанлараро узвийликга асосланган ўқув материалларни яратиш орқали таълим жараёнини такомиллаштириш масаласида эса умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда турдош фанлар мазмунидан фойдалана билиш ҳамда мавзулараро ўхшаш услуб ва воситаларни қўллаган ҳолда таълим самарадорлигини ошириш, назарий ва амалий машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти орасидаги интеграцияни таъминлашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш ҳамда таълим олувчиларнинг тартиблашган, ўзаро алоқадорлик ва изчилликка асосланган мавзуларни алоҳида қизиқиш билан ўзлаштиришини таъминлаш орқали амалга оширилади (1-расм).


Профессионал таълимда фанлараро узвийлик бир неча йўналишлар ва турли даражаларда амалга оширилди:

ички мавзу – тушунчалар, билимлар, кўникмалар ва бошқаларни бирлаштириш, алоҳида ўқув фанлари доирасида яхлитлаш;

фанлараро – далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва бошқаларни синтез қилиш, икки ёки ундан ортиқ фанлар мазмунини таҳлил қилиш;

мавзулараро – асосий ва қўшимча таълим мазмуни таркибий

қисмларининг синтезини амалга ошириш.



1-расм. Профессиял таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлашнинг ташкилий тузилмаси

Профессиял таълим муассасаларида амалда қўлланилаётган фан дастурларини иш берувчиларнинг талаб ва таклифлари асосида ҳамда таълим муассасаларининг мавжуд ўқув-техник имкониятлари ва ҳудуддаги меҳнат бозори шарт-шароитларидан келиб чиқиб такомиллаштириш касбий таълимнинг сифатини оширишга олиб келди. Профессиял таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ва умумкасбий фанлар дастурларининг узвийлигини таъминлашнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ўқувчиларга илм-фан асослари тўғрисидаги билимларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек рақамли технологиялар асосида амалий муаммоларнинг инновацион ечимларини топиш ва ҳаётга


татбиқ этиш, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва таълимдаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг натижаларини инобатга олинган ҳолда фанлараро узвийлик мазмунини аниқлаш имконини берди.

Профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” ва “Бизнес асослари” фанларининг ўзаро узвийлигини таъминлаш асосида ташкил этилган амалий машғулотларда қуйидаги дидактик материаллардан фойдаланилди: диаграммалар, схемалар, моделлар ёки макетлар, лойиҳалар, мобил иловалар, дастурий воситалар, online курслар ва бошқалар. Фан дастури мазмунини ўзида акс эттирувчи масофавий таълим платформасини ўқувчилар таъсирчан, қизиқарли ва янги манбаларни ўзида акс эттирувчи веб ресурс сифатида ижобий қабул қилишди.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда узвийлик, интегративлик ва алоқадорлик тамойилларини жорий этиш механизими, ўқувчилар билимидаги бўшлиқни тўлдириш, назарий ва амалий билимлар ўртасидаги тафовутни бартараф этишга қаратилган фанлараро узвийликка асосланган профессионал таълимнинг концептуал методик тизими орқали амалга оширилди.

Профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро узвийлик асосида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва боғлиқлик қонуниятларини очиб беришга имкон берди. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро узвийликда ўқитишнинг ҳар бир босқичида “вертикал” ва “горизонтал” фанлараро узвийликнинг мақсадлари, вазифалари, мазмуни ва амалий шакллари, усулларининг ўзаро боғлиқликлари ва узлуксизлиги тамойилига амал қилинди. “Вертикал” узвийлик таълимнинг мақсадлари, вазифалари, функциялари, ўқитиш усуллари ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. “Горизонтал” йўналишдаги узвийлик ўқувчиларнинг касбий билимларини чуқурлаштириш, амалий кўникмаларни ривожлантириш, дунёқарашни кенгайтириш, креатив фикрлашини ривожлантиришга олиб келадиган ўқитиш технологияларини бирлаштиришга олиб келди. Тадқиқот жараёнида фанлараро узвийлик муаммоси таҳлил қилиниб, “Информатика ва ахборот технологиялар” фанини ўқитишда фанлараро узвийликнинг назарий ва амалий тадбиғини таъминлаш имкониятлари аниқланди. Натижада профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялар” фанини ўқитишда фанлараро узвийлигини таъминлашнинг ташкилий-педагогик шартларнинг назарий лойиҳаси яратилди.

Профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Бизнес асослари” ва “Касбий фаолиятда ахборот технологиялари” фанларини фанлараро узвийлигини таъминлаш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёни модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда фанларо узвийлик асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш модели

Моделда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг фанлараро мазмуни сифатида маъруза машғулотлари, амалий машғулотлар ва мустақил таълимни ташкил этиш учун фаннинг маълумотлар базаси, дарслик, электрон таълим платформаси, видеодарслар канали ва бошқа фан мазмунини ташкил этишга ёрдам берувчи воситалар ишлаб чиқилди. Фанда қўлланиладиган дидактик воситалардан ўқувчилар ўқув материални чуқурроқ тушуниши учун фойдаланиш мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бунда ушбу дидактик воситалардан фаннинг маъруза ёки амалий машғулотларида фронтал, гуруҳли ва индивидуал ўқитиш усулларидан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўқув жараёнини амалга ошириш шакли жиҳатидан анъанавий дарсларда ёки масофавий ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан замонавий педагогик интерфаол (“Case study”, “Blended learning”, “Classic couple strategy”) методлардан фойдаланишга ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас. “Информатика ва ахборот технологиялар” фанини фанлараро узвийлик асосида ўқитишда электрон дарсликлар, мустақил сайтлар, профессионал таълим жараёнида қўлланиладиган масофавий таълим платформаси, аниқ ечимларни берадиган муаллифлик дастурий ишланмалари ва бошқа электрон таълим воситалардан фойдаланилди.

“Информатика ва ахборот технологиялар” фанини фанлараро узвийлик асосида ўқитиш орқали касб-ҳунар мактаблари ва коллеж ўқувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнига ягона тизим сифатида қаралди. Моделнинг ишлаши шарти – бу унинг барча компонентлари элементларининг ўзаро узвийлигидир. Ушбу модел индивидуал дастурларни ўрганишнинг эпизодик, сегментар характерини истисно қилган ҳолда, касб-ҳунар мактаблари ва коллеж ўқувчилар касбий тайёргарлигининг босқичма-босқич ривожланишини таъминлашга имкон яратди. Бинобарин, профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялар” фанини ўқитишда асосий услубий ёндашув - бу фанлараро узвийликни таъминлаш ҳисобланади.

Фанлараро узвийлик асосида ўқитиладиган ҳар бир фан бўйича такомиллаштирилган дастурни амалда татбиқ этиш орқали амалий машғулотлар сифатли ташкил этилди, ўқув фанларни узвийлик ва уйғунликда ўқитиш имкони таъминланди. Бунинг учун профессионал таълим муассасаларининг тайёрлов йўналишларида ўқитиладиган ўқув фанларининг “Информатика ва ахборот технологиялар” фани билан фанлараро узвийлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир блокдаги фанларнинг дастурлари ва модуллари мазмуни қайта кўриб чиқилди. Натижада касб-ҳунар мактаблари ва коллежларда профессионал таълимни интегратив ва компетенциявий ёндашувлар асосида ташкил этиш орқали ўқитиш самарадорлигини янада оширишга эришилди.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган учинчи

бобида профессионал таълим жараёнида “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанини фанлараро узвийлик асосида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни модели ва концептуал методик тизими таълим жараёнига татбиқ этиш механизми, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини фанлараро узвийликда ўқитишга асосланган тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари ёритилиб, тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлили ҳақида сўз юритилган.

Таълимий характерга эга бўлган тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичи Янгиер педагогика коллежи, Гулистон туман касб-хунар мактабида, Вобкент педагогика коллежи, Вобкент туман 1-сон касб-хунар мактаби, Қўқон педагогика коллежи, Қўқон шаҳар касб-хунар мактаблари таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов майдонларида режа бўйича ишлар амалга оширилди.

